



Сабаийлар ва Ҳимярийлар давлати



Куръони карим оятларида келтирилган бир неча тарихий кассалар, жумладан, Сабо маликаси, «Ираму зотил имод», «Асхоб ул-Ухдуд», «Туббаъ кавми» ёки «Сайл ул-Арим», «Асхоб ул-жанна» ва хатто «Асхоб ул-Фил» воқеалари ҳам Шимолий ва Жанубий Яман ҳудудида ташкил топган ва узок муддат ўз мавқеъини сақлаб қолган Сабаийлар давлати ва Химярийлар давлати тарихи билан ҳамбарчас боғлиқдир.

Шу сабабли, мазкур кассалар хусусида гапиришдан аввал у давлатлар ҳақида бироз тушунча бериб ўтиш лозимдир. Доктор Саййид Абдулазиз Солим «Тарих ул-араб қаблал-ислом» китобида ёзишича, Арабистон ярим оролининг шимолий қисмида яшайдиган қўчманчи бадавий араблар Оссурийларнинг тазйикидан қочиб, жанубдаги бадавийларга қўшилиб Яман шаҳарларига, жумладан Маъинга йигилдилар ва аста-секин ўз ҳудудларини қўшни мам-лакатлар томонга кенгайтириб, қудратларини оширдилар. Яман Хиндистон, Хабашистон, Миср ва Шом давлатлари орасидаги ягона тижорат йўли устида жойлашгани учун, маинликлар тижорат қарвонларини манзилларга беҳатар етказиб берувчи воситачи сифатида ном қозондилар.

Профессор Аҳаджон Ҳасанов шундай ёзади: «Маинликлар қуруқликдаги савдо йўллари, табиий жихатдан яхши ҳимоя қилинган жойларни колонизация қилдилар. Арабистон ярим оролидаги Дедан, Ясриб, Газза ва ярим оролдан ташқарида эса, Миср ва

Месопотамиядаги маъин уюшмалари бунга мисолдир. Бундай фаолиятни бошқариш учун Маъин давлатида кучли савдо ташкилоти тузилганди».

Муаллиф сўзида давом этиб шундай ёзади: «Милоддан аввалги IX аср ўрталарида Маъинга кўшни бўлиб, Сабо Катабон ва Авсон давлатлари пайдо бўлди... Пировард натижада Сабо ва Катабон ўзаро иттифок тузиб, Маъин давлатини кулатди». Орадан бироз вақт ўтгандан кейин Сабо давлати Катабонни ҳам ўзига бўйсунтиришга мажбур этди. Сабо давлати олтин, қумуш ва қимматли тошларга бой мамлакат бўлгани учун у кундан-кун тараккий эта бошлади. «Сабо подшоҳлари милоддан аввалги 800-йилдан 650-йилгача «мукориб», милоддан аввалги 115-йилгача эса «малики Сабо» деб аталди». Сабо давлати шу ном билан қачон атала бошлангани бироз ихтилофли, бахсталабдир. Чунки, «Таврот ва Куръони қарим да Сулаймон пайгамбар ва Сабо маликаси Билқис ҳақида хабар берилган. Сулаймон пайгамбар милоддан олдин 950-йилда тахтга ўтирган. У билан ҳамаср яшаб, ҳатто мулоқотда бўлган Билқис бинти Шурахбил ўша даврда жуда кучли ва мураккаб Сабо давлатининг маликаси эди». Демак, айтиш мумкинки, Сабо давлати милоддан аввалги XI-X асрларда ташкил топган.

Сабо шаҳри асосчисининг исми Абду Шамс ибн Яшжаб ибн Яъраб ибн Кахтон эди. Бобил, Армения, Миср ва Мағриб давлатларига юриш қилиб, кўп асирлар қолтиргани учун унга «Сабо» (кўп асир эгаси) деб лақаб тарихчи олимларнинг берилган маълумотларига кўра, Абду Шамс Сабо шаҳрини ва Маъриб тўғонини қурган.

Сабо давлати аста-секин қучсизлашиб, унинг ўрнини химярийлар давлати эгаллади. Химярийлар давлати икки даврни бошидан кечирди. Милоддан аввалги 115-йилдан милодий 300-йилгача биринчи давр бўлди. Бу даврда химярий подшоҳлари Сабо малики ва Зу Райдон деб аталган. Улардан бири Лияшрах ибн Яхзоб Санъода гранит ва мрамордан йигирма қаватли катта қаср қурдирган.

Иккинчи химярийлар давлати даври милодий 300-йилдан 525-йилгача давом этган. Бу даврда давлат бениҳоя ривожланиб ва ҳудуди кенгайиб, подшоҳ император мақомига етиб қолган. Улар «табобийа» деб номланишган. Иккинчи химярийлар даври насроний ва яҳудий динларининг Яман шаҳарларига кириб қелиши ва у ердаги қуёшпарастлар ва юлдузпарастлар эътиқодини йўқотишга қаттиқ қиришганлиги билан ажралиб туради. Шимолий Арабистонда аввалдан ўрнашиб олган яҳудийларни химярий подшоҳлар ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий душманлари бўлган насронийларга қарши қурашишга мажбур этишарди. Химярий подшоҳларнинг энг охиригиси саналган Зу Навос яҳудий динини давлат дини деб қабул қилди ва Нажронда насронийларга қаттиқ таъқиқ ўтказди. Аллох таоло Куръони қарим оятларида турли сабаблар билан Яман халқи бошига тушган ҳалокат ва фалокатларни «Ираму зотил имод», «Асхоб ул-Уҳдуд», «Туббаъ қавми» ёки «Сайл ул-Арим», «Асхоб ул-жанна» ва ҳатто «Асхоб ул-Фил» қиссалари орқали хабар беради.

Раҳматуллоҳ қори Обидовнинг

"Пайгамбарлар тарихи исломият тарихидир" китобидан